

Футбол дарвозабони билан боғлиқ машҳур воқеа



14:00 / 29.05.2022 6277

Англиялик машҳур футбол дарвозабони Сэмюэл Бартрэмнинг футболчилик фаолиятида қизиқ воқеа юз берди. 1937 йил 25 декабрь куни «Челси»га қарши «Стемфорд Бридж» футбол майдонидаги ўйинда қалин туман қоплаган эди. Икки жамоа ўртасида ўйин бошланди ва кўп ўтмай ушбу ўйин бекор қилинди. Бунга сабаб эса юқорида айтиб ўтганимиздек майдонни қалин туман қоплаган эди. Икки жамоа аъзолари майдонни тарк этдилар. Фақат дарвозабон бундан мустасно эди. Чунки у трибунада ўтирган мухлисларнинг шовқини туфайли ҳакамнинг ҳуштагини эшитмаган эди. Дарвозабон тахминан 15 дақиқа мобайнида бутун диққат эътиборини ўйинга қаратган ҳолда ҳушёрлик билан қўриқчиликни давом эттирар эди. Орадан бироз вақт ўтиб, полиция ходими келди ва унга ўйин тўхтатилганининг хабарини берди. Шунда дарвозабон: «Мен

жамоадошларимни қўриқлаб турсаму, улар мени эсдан чиқаришгани мени маҳзун қилди. Биз анча вақтдан бери ҳужум қиляпмиз деб ўйлаган эдим», деди.

Хулоса

Биз қанчадан-қанча вақтимизни сарф этиб, баъзи одамларни қўриқласағу, улар бизни шу ҳолда ташлаб кетсалар.

Қанчадан-қанча шахсларни ҳимоя қилсағу, илк келишмовчилик юз берганда улар бизга ҳужум қилсалар.

Айрим шахсларни деб, ҳаётимизни қурбон қилсағу, аммо ўша шахслар бизнинг қурбонлигимизга арзимаслиги кейин маълум бўлиб қолса.

Сизни ҳимоя қилаётган, қўриқлаётган, қўллаб-қувватлаётган кишиларни унутманг, уларни танимаганга олманг. Агар шундай шахсларни қўлдан бой берсангиз ҳаёт мусобақасида мағлуб бўласиз.

Манба: «Ҳар куни сизни қизиқтирадиган маълумот» саҳифаси

Арабчадан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Хуршид Маъруф тайёрлади